

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

291 Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқиш билан қамраб олиш ишларини тубдан яхшилаш, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни юқори малакали раҳбар ва педагогик кадрлар билан бутлаш, таълим стандартларини такомиллаштириш, замонавий педагогик ва ахборот-компьютер технологияларини жорий этиш ҳисобига ўқув-таълим жараёни сифатини ошириш, шунингдек иқтисодиёт тармоқларида талаб қилинган мутахассисларни тайёрлашни ва коллежлар битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Илгари юкланган вазифалар билан биргаликда қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг муҳим вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й.

халқ таълими органлари билан биргаликда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини касбга йўллаш ҳамда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқиш билан тўлиқ қамраб олиш, янги ўқув йилига ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул режасини шакллантириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинган мутахассисликлар бўйича мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан оширишга йўналтирилган ўрта махсус таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларни янада бирхиллаштириш, республика минтақаларида кадрларга бўлган реал эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда касб-хунар коллежларини қайта ихтисослаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

касб-хунар коллежлари битирувчилари аниқ иш ўринларида ишлаб чиқариш амалиётидан ўтишини ташкил этишни ва уларни ишга жойлаштиришни таъминлаш, битирувчиларнинг меҳнат билан бандлиги устидан мониторинг олиб бориш;

таълим даражасини ва мутахассисларнинг касб тайёргарлиги сифатини оширишга йўналтирилган ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим стандартларини, ўқув режалари ва дастурларни такомиллаштириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни юқори профессионал раҳбар ва педагог кадрлар билан бутлаш ва уларни танлаш, уларнинг малакасини изчил ошириш ишларини тизимли асосда таъминлаш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустақкамлаш ва улардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш, уларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва ахборот-компьютер техникаси билан жиҳозлаш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг янгиланган ташкилий тузилмаси ҳамда унинг ходимларнинг чекланган умумий сони 68 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 53 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва аппарати ходимларининг чекланган сони 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директориغا, зарурият бўлганда, Марказнинг марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки:

ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари икки томонлама бўйсунушда бўладилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига

ва, тегишли равишда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳисобот берадилар;

ҳар бир ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси бўйича ходимлар сони ушбу қарор билан тасдиқланган намунавий тузилма асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан белгиланади;

ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари бошлиқлари лавозимга тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори томонидан тайинланадилар;

ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига ажратиладиган бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар директори лавозимига тайинлаш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Ф-2146-сон фармойиши билан тасдиқланган Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизматини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизматига қуйидаги функциялар юклансин:

касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун таълим стандартлари, ўқув режалари, дастурлар ва методик қўлланмаларни ишлаб чиқишни, янги авлод ўқув адабиётлари тайёрлашни ташкил этиш;

касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқув жараёнини ташкил этишга методик ёрдам кўрсатиш, ўқитишнинг замонавий шаклларини, энг янги илғор педагогик ва ахборот-компьютер технологияларини жорий этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ўқув-таълим ва тарбиявий ишлар даражасини ошириш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизмати фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ахборот-методик таъминлаш хизматини, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаларини шакллантиришда уларнинг ходимлари таркибини касб-хунар коллежларида методист лавозими қисқартирилиши муносабати билан бўшаб қоладиган ходимлар ҳисобига мустаҳкамлаш назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тўғрисидаги янгиланган низомни тасдиқласин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 20 июлдаги 342-сон қарорининг 3-банди ва қарорга 1 — 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ


Тошкент ш.,
2011 йил 12 июль,
204-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 12 июлдаги 204-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**




Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази марказий аппаратининг ТУЗИЛМАСИ



Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 12 июлдаги 204-сон қарорига
3-ИЛОВА

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Ходимларнинг чекланган сони (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) — 22 — 28 киши,
шу жумладан бошқарув ходимлари — 16 — 20 киши.